



Хатми Куръон чогида такбир айтиш деганда Зухо сурасидан бошлаб, то охирги сурагача хар сура кетидан такбир айтиш тушунилади. Бунинг суннат амал экани хакида хадислар



индамаганларидан хулоса килиб, бу ишнинг суннатлигини инкор килишади. Нима бўлганда ҳам, ўн кироат имомларидан бири бўлмиш Макка кориси Ибн Касирнинг кироатида хатм чогида такбир айтиш борлигини барча эътироф этади.

Мазкур хадисни Байхакий ҳам ривоят қилган. Кироат имомлари шайхи Мухаммад ибн Жазарий раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Ан-нашр фил кироати ал-ъашр» номли асарида буни ўзининг хадисдаги санади билан ривоят қилади. Шунингдек, у киши бу хадисни ва унинг ижросини кироат санади билан ҳам нақл қилган.

Абу Ало Хамадоний имом Баззийдан ривоят қилишича, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга вахий нозил бўлиши бир муддат тўхтаб қолади. Мушриклар дарров: «Мухаммадни Робби тарк этиб юборибди», деб гап таркатишади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) каттик сиқилдилар. Шунда Зухо сураси нозил бўлади. Расули Акрам алайҳиссалом бундан ниҳоятда хурсанд бўлганларидан такбир айтиб юбордилар. Кейинрок Куръонни хатм қилишда Зухо сурасидан ташқари, Куръоннинг охиригача бўлган ҳар бир сура ниҳоясида Аллоҳни улуглаш, Куръон хатм бўлганининг хурсандчилиги, тантанаси учун такбир айтиш кераклигини таълим берганлар. Шунинг учун Куръонни хатм қилувчи қориларнинг Зухо сурасидан Куръоннинг охиригача ҳар бир сура ниҳоясида такбир айтишлари суннат ҳисобланади.

Такбир – «Аллоҳу акбар», дейиш. У Куръон эмас. Такбир ҳақидаги ушбу хадисни ривоят қилган кироат устози имом Баззий (раҳматуллоҳи алайҳ)дан такбир билан бирга таҳлил айтиш, бир ривоятда ҳамд айтиш ҳам нақл қилинган. Имом Жазарий юқорида зикр қилинган асарида бу ҳақда жуда ҳам қимматли маълумотларни батафсил келтиради ва уларни ўзининг кироат санади нақл қилиб келинганини таъкидлайди. Хулоса шуки, энг афзал ва қулайи такбир билан чекланишдир. Зиёда қилмоқчи бўлганлар таҳлил ва ҳамд ҳам қўшишлари мумкин. Бунинг сурати қуйидагича: «Аллоҳу акбар. Лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, Аллоҳу акбару валиллаахил хамду».

Такбир Зухо сурасининг сўнгидан бошланади. Фотиҳадан сўнг такбир айтилмайди. Такбирни суралар ўртасида айтишнинг саккиз кўриниши бўлиб, улардан факат биттаси жоиз эмас. У ҳам бўлса сура охирига такбирни, такбирга басмалани улаб вақф қилиб, янги нафас билан сурани бошлаш. Бунда басмала худди суранинг охирида ўқиладиган оятга айланиб қолгани учун дуруст бўлмайди. Қолган еттитаси қуйидагича:

1. Хаммасини қўшиш. Суранинг охирига такбирни, такбирга басмалани, басмалага

кейинги сурани кўшиб ўқиш.

2. Хаммасида вакф килиш.

3. Суранинг охирига такбирни кўшиб, тўхташ, сўнг басамалани кейинги сурага кўшиб ўқиш.

4. Суранинг охирига такбирни кўшиб, тўхташ, сўнг басамалада ҳам тўхтаб, кейинги сурани янги нафас билан ўқиш.

5. Суранинг охирида тўхтаб, такбирни басмалага, басмалани кейинги сурага кўшиб ўқиш.

6. Суранинг охирида тўхтаб, такбирда ҳам тўхташ, сўнг басамалани кейинги сурага кўшиб ўқиш.

7. Суранинг охирида ҳам, такбирда ҳам, басамалада ҳам тўхтаб, кейинги сурани янги нафас билан ўқиш.

Имом Жазарийнинг таъкидлашича, такбир асосан Макка корилари кироатларида ривоят килинган. Улар хатто таровех намозида ҳам такбир айтишган. Аммо жумхур буни танкид килган. Такбир кейинрок бошка юрт корилари ўртасида ҳам кенг таркалган. Ахмад Баззийнинг таъкидлашича, имом Шофеий рахматуллохи алайх: «Ким хатмда такбирни тарк килса, бир суннатни тарк килган бўлади», деб айтган экан.

Бизда айрим жойларда хатми сагир килинганда Ихлос, Фалак ва ан-Нас сураларининг ортидан такбир таҳлил айтиш мазкур суннатга асосланган. Шу билан бирга, бир гуруҳ уламолар Зухо сураси ва ундан кейинги сураларнинг сўнгида хатм бўлмаган такбирда ҳам такбир айтиш мумкинлигини айтишган.

Такбир кироатга тобе хисобланади. Шу боис овоз чикариб кироат килаётган одам такбирни ҳам овоз чикариб айтади, ичида ўкиётган бўлса, такбирни ҳам ичида айтади. Намозда хатм килинганда такбир айтилмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, хатм чогида такбир айтиш Шотибий тарикасида йўқ, фақат Жазарий тарикасига хосдир. Бу ҳақда кенгрок маълумотга эга бўлиш учун тегишли манбаларга мурожаат килиш тавсия этилади *Каранг: Одинахон Мухаммад Юсуф. «Муфассал тажвид». Ташкент. «Хилол» Нашр» 2014. 176–183-бетлар.*